

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВА ДИЛДОРА АБДУЛМАЛИКОВНА

ТУКЛИ МАТОЛАРНИНГ ҲАЛҚА МУСТАҲКАМЛИГИНИ
АНИҚЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мамадалиева Дилдора Абдулмаликовна

Тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлаш усулини
такомиллаштириш..... 3

Мамадалиева Дилдора Абдулмаликовна

Усовершенствование метода определения прочности петли в петельно-
ворсовых
тканях..... 2
5

Mamadaliyeva Dildora Abdulmalikovna

Improvement of the method for determining the strength of loop-pile
fabrics 4
7

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published
works 5
0

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВА ДИЛДОРА АБДУЛМАЛИКОВНА

ТУКЛИ МАТОЛАРНИНГ ҲАЛҚА МУСТАҲКАМЛИГИНИ
АНИҚЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рақам В2022.2.PhD/Т1981 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандистлик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиева Дилбар Ганиевна
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Холиқов Қурбонали Мадаминвич
техника фанлари доктори, профессор

Дониёрова Матлуба Адашбаевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “18” 02 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 3-биноси, 2-қават, 313-хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (215-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2023 йил “4” 02 куни тарқатилди.
(2023 йил “4” 02 даги №102-рақамли реестр баённомаси).

Р.М. Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Х.Т. Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

Қ.М. Холиқов

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик бозорида пахта толасидан сифатли ва рақобатбардош бўлган ҳалқа тукли сочиқларни ишлаб чиқаришга ва ушбу жараёнларни амалга оширишда янги техника ва технологияларни қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон миқёсида йилига 108.3 миллион кв.м.дан кўп турли хил тўқима матолари ишлаб чиқарилиб, бутун тўқимачилик бозорининг 4 % ини ташкил этади¹. Бу борада, жумладан маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, тукли матоларни ишлаб чиқариш ассортиментларини кенгайтириш, уларнинг сифат кўрсаткичлари амалдаги стандартлар талабларига мослигини яъни истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш, маҳаллий ҳомашёдан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этиш тўқимачилик саноатини янада ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон тажрибасида янги ассортиментдаги ҳалқа тукли матоларни ишлаб чиқариш, маҳаллий табиий хомашёларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланишни кўламани кенгайтириш, шунингдек ҳалқа тукли матоларнинг сифат кўрсаткичлари, сочиқбоп тўқималарни физик-механик кўрсаткичларини математик моделлаштириш, тукли матоларнинг асосий хусусияти бўлган гидрофилликни (сув сингдирувчанлик) ва ўлчамларнинг ўзгаришларини текширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда жумладан, ҳалқа тукли матоларда ҳалқа мустаҳкамлигини ошириш, уларни янги ўрилиш турларини таклиф этиш ва сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш йўли билан матонинг истеъмол хусусиятларини яхшилашга доир тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга маҳсулотларнинг хусусиятлари, уларнинг физик хусусиятлари (тук баландлиги, юза зичлиги ва бошқалар) ва ишлаб чиқариш параметрлари, ҳамда уларнинг натижалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш усули долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикаимиз тўқимачилик саноатини янада такомиллаштириш, соҳада меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, янги тузилишдаги ва сифатли ҳалқа тукли маҳсулотлар олиш, тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган ҳалқа тукли тўқима турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармонида «...тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш,... саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш, ... саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш» бўйича вазифалари белгилаб берилган². Ушбу вазифани амалга

¹<https://data.world/imf/international-financial-statis>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармони.

оширишда, жумладан, тукли тўқималарни ишлаб чиқариш жараёнида ўрилиш турини ўзгартириш ҳисобига тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини ошириш, танда ипларини узилишлари сонини камайтириш, маҳсулот сифат кўрсаткичларини оширишга салбий таъсир кўрсатмайдиган конструкциясини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5989-сон Фармони, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сонли Қарори, 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4453-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқув дастгоҳларида тукли матоларни олиниши, улардаги ҳалқа баландлиги, ҳалқанинг зичлиги, тукли матоларнинг намликни шимиш хусусиятларини яхшилаш бўйича бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан P.Petrulyte, N.Paksoy, S.Behera, B.B.Кузьмин, M.Karahan, Öner, J.P.Singh, H.П.Розанова, M.A.Беловлар ва бошқалар.

Тукли тўқималар ишлаб чиқариш параметрларини оптималлаштириш бўйича Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: E.Ш.Алимбаев, Ф.А.Велиев, O.A.Ахунбабаев, П.С.Сиддиқов ва бошқалар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тўқувчилик технологияси ва уларни тузилиши ҳамда тукли тўқима ишлаб чиқариш, тукли тўқималарни физик-механик хоссаларини яхшилаш ҳамда янги ассортиментдаги тукли тўқималарни яратиш каби масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга тўқувчилик жараёнида ҳалқа тукли матолар ишлаб чиқариш сезиларли даражада ривожланишига қарамай, ҳал этилиши талаб қилинадиган кўп масала ва муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим. Хусусан, жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган сифатли ҳалқа тукли матолар ишлаб чиқариш ҳамда ушбу жараёнда тўқув дастгоҳларининг унумдорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «Тукли матолар ҳалқа

мустаҳкамлигини аниқлаш усулини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлаш усулини такомиллаштириш ҳамда янги ўрилиш турини таклиф этиш орқали ҳалқа тукли матоларда ҳалқа мустаҳкамлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳалқа тукли матоларни тўқишда мавжуд ўрилиш тури негизида ҳалқа мустаҳкамлиги юқори бўлган ўрилиш турини ишлаб чиқиш;

тукли сочиқларнинг якка ҳалқалари мустаҳкамлигини аниқлаш учун мавжуд усулни такомиллаштириш;

ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини назарий асослаш ва шу асосида ҳалқа мустаҳкамлиги юқори бўлган мато ишлаб чиқариш;

таклиф этилган ўрилиш тури асосида олинган ҳалқа тукли матоларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти: Ишнинг тўқувчилик корхонасидаги ярим ва тайёр маҳсулотлари, тўқув дастгоҳи, ҳалқа тукли матонинг мустаҳкамлигини аниқлаш жиҳози олинган.

Тадқиқот предмети: Тўқимачилик корхоналаридаги тук, замин, танда ва арқоқ иплари, тукли мато ўрилиши, ҳалқа тукли тўқима, ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлаш усули ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тўқув технологияси, тўқимачилик материалшунослиги, тўқима тузилиш назарияси, назарий механика диссертациянинг умумий тадқиқот натижаларини олиш имконини берувчи назарий-тажрибавий ва амалий математика каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳалқа тукли матоларни арқоқ бўйича қопланишлар сонини ўзгартириш ҳисобига мавжуд ҳалқа тукли матолардан фарқли ҳалқа мустаҳкамлиги юқори бўлган мато олиш усули яратилган;

тукли матоларнинг якка ҳалқаси мустаҳкамлигини аниқлаш учун намуна марказидаги ҳалқадан аввалги ва кейинги ҳалқа учларини кесиш орқали ҳалқа тукли матоларнинг якка ҳалқасининг мустаҳкамлигини аниқлаш усули тавсия этилган;

ҳалқа тукли матоларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта толасидан йигирилган ипларнинг қайишқоқлигини илк маротаба Юнг модули ёрдамида аниқлаш орқали ҳалқа мустаҳкамлигининг ҳисоблаш формуллари ишлаб чиқилган ҳамда шу асосда ҳалқа мустаҳкамлигини ошириш учун тахтлаш параметрлари аниқланган;

математик моделлаштириш ёрдамида арқоқ ипи чизикли зичлигининг мақбул қийматини аниқлаш орқали ҳалқа тукли матоларда ҳалқанинг мустаҳкамлик қийматлари башоратланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилди ва шу асосда мавжуд ўрилиш тури негизида ҳалқа туклари мустаҳкамлиги юқори бўлган ўрилиш турини ишлаб чиқилган;

тажриба натижаларида таклиф этилган янги ўрилиш тури асосида олинган тукли матода ҳалқа тукларининг мустаҳкамлиги 25 фоизга ошганлигини аниқланган;

таклиф этилган ўрилиш турида тук танда иплари сарфини 40 фоизга камайтиришга эришилган;

ҳалқа тукли матоларнинг якка ҳалқаси мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича ГОСТ 23351-78 стандартини такомиллаштирилиб, якка ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот якунида натижаларнинг ишончлилиги диссертацияда келтирилган илмий хулосалар ва тавсиялар, назарий ҳамда экспериментал тадқиқот натижаларининг бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижаларни солиштириш, баҳолашга, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари, шунингдек, уларнинг кўриб чиқиладиган соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги ўрилишдаги ҳалқа тукли мато олинганлиги, шунингдек тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини ошириш ва тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлаш усулини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва ҳалқа мустаҳкамлиги юқори бўлган ўрилиш турини жорий этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги турдаги мустаҳкамлиги юқори бўлган ҳалқа тукли матонинг ўрилиш тури ҳамда ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлашнинг такомиллашган усули “Art Soft TEX” МЧЖ корхонасининг “Чаманзор” филиалида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“O’zto’qimachilik sanoat” уюшмасининг 2022 йил 24-ноябрдаги №03/25-3276). Натижада янги ассортиментдаги ҳалқа тукли мато ишлаб чиқарилган, мато ҳалқасининг мустаҳкамлиги 25 % га юқори бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 5 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақолалар, жумладан 3 та республика ва 2 та чет эл илмий журналларида нашр этилган, ЭХМ дастури учун 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот мавзуси бўйича олиб борилган адабиётлар шарҳи, илмий тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида халқа тукли матонинг ишлаб чиқариш босқичлари, яратилиш тарихи, ҳосил бўлиш жараёнлари ҳамда такомиллаштирилиши, халқа тукларининг ҳосил бўлиш жараёнида қўлланиладиган тўқув дастгоҳлар ва уларнинг механизмлари, тўқув жараёнида иплардаги таранглик ва уларнинг аҳамияти ҳақида кенг маълумотлар келтирилган. Шунингдек, халқа тукли матоларнинг тук қисми сувни ўзига ютиши ва бошқа хусусиятлари билан катта аҳамиятга эга эканлиги, халқанинг узунлиги матонинг сифати ҳамда 1 м^2 матонинг вазни ва ҳоказо талабларига кўра белгиланиши келтирилган.

Барча таҳлил этилган адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларида, халқа тукли матоларни намликни ўзига ютиш хоссаси, халқа тукли матоларни тўқишда тук танда ва замин танда ипларининг таранглиги ва унинг аҳамияти, тукли матоларнинг ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ўзига хос тўқима нуқсонлари, тукли мато тузилишининг ва унинг фойдаланиш хоссаларига таъсирини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар етарли даражада олиб борилмаганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилиб, ишнинг мақсади ва адабиётлар таҳлили асосида тадқиқот вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **“Халқа тукли сочиқларнинг тук мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича стандартлар таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида тукли мато якка халқасининг мустаҳкамлигини аниқлашга доир халқаро стандартлар усуллари ва уларда келтирилган қийматлар таҳлил қилинади. Жумладан, халқа тукли матонинг якка халқаси мустаҳкамлигини аниқлашга оид ГОСТ 23351-78 стандарти, Европанинг EN 15598:2008 стандарти ва Американинг ASTM D1335-17 стандартлари ва уларнинг халқа мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича усуллари келтирилган.



1-расм. Тукли мато халқа мустаҳкамлигини аниқлаш усуллари таърифи

Бу ерда: Н-ҳалқалардан тортиб олинадиган ип узунлиги, мм.да
F-тортувчи куч, сН.да

- a- ҳалқалардан тортиб олинадиган ип узунлиги 6 мм
- b- ҳалқалардан тортиб олинадиган ип узунлиги 10 мм
- c- ҳалқалардан тортиб олинадиган ип узунлиги 20 мм
- d- ҳалқалардан тортиб олинадиган ип узунлиги 30 мм
- e- ҳалқалардан тортиб олинадиган ип узунлиги 40 мм
- f- ҳалқалардан тортиб олинадиган ип узунлиги 50 мм

Юқорида номлари келтирилган ҳалқаро стандартларни таҳлил қилиш асосида уларни ўлчаш усулининг тасвири қуйидаги 1-расмда келтирилган.

1-жадвал

Ҳалқа тукли матонинг ҳалқа мустаҳкамлигини ўлчашда ҳалқани тортишдаги масофада жойлашган ҳалқалар сони

№	Ҳалқа баландлиги	H ₀ -6 мм	H ₁ -10 мм	H ₂ -20 мм	H ₃ -30 мм	H ₄ -40 мм	H ₅ -50 мм
1	h=2	1.5	2.5	5.0	7.5	10.0	12.5
2	h=3	1	1.66	3.33	5	6.66	8.33
3	h=4	0.75	1.25	2.5	3.75	5.0	6.75
4	h=5	0.6	1.0	2.0	3.0	4.0	5.0

Юқорида келтирилган 1-жадвалда ҳалқа тукли матонинг якка ҳалқаси мустаҳкамлигини аниқлашда якка ҳалқани баландлиги ва ҳалқани тортиш масофаси ва белгиланган масофада жойлашган ҳалқалар сони келтирилган.


Юқоридаги 1-расмда ҳалқа тукли матонинг якка ҳалқаси мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича ҳалқаро стандартлар усулини тасвири келтирилган. Унга кўра ГОСТ 23351-78 стандартида якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини аниқлаш учун намунадаги якка ҳалқани 50 мм масофагача тортиб олинган қиймат якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини кўрсатади. Ушбу стандартда якка ҳалқанинг мустаҳкамлиги минимум 49.05 сН бўлиши қатъий белгилаб қўйилган.

Худди шундай ўлчаш усули Европа стандартига кўра якка ҳалқани илгак ёрдамида илиб 10 мм масофага тортиб сарфланган куч миқдори якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини ифодалайди.

Америка стандартида эса якка ҳалқани тортиш масофаси ва якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини белгиловчи стандарт қиймат ҳам кўрсатилмаган. Агар ҳалқа тукли матонинг якка ҳалқаси мустаҳкамлигини ГОСТ 23351-78 стандартига асосан аниқлайдиган бўлсак, намунани жиҳознинг махсус қисқичлари маҳкамлаб, намунанинг марказида жойлашган битта ҳалқани илгак ёрдамида илиб 50 мм масофага тортамиз. Бунда аввал биринчи ҳалқа, кейин иккинчи ваҳоза 50 мм масофада жойлашган ҳалқалар бирин кетин тортилиб чиқа бошлайди. Бундан кўринадикки 50 мм масофада ҳалқа тукли матодаги якка ҳалқанинг эмас балки, бир нечта ҳалқаларнинг мустаҳкамлигини аниқланади. Европа стандартида ҳам худди шундай усул орқали якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини аниқланади. Фақатгина Европа

стандартида 10 мм масофада жойлашган ҳалқалар сонининг мустаҳкамлиги аниқланади.

Юқоридаги халқаро стандартларни ўрганиб таҳлил этилиб ГОСТ 23351-78 стандарт усулини такомиллаштириш орқали якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини аниқлаш усулини (2-расм) таклиф этилган.



Бу ерда: H_0 -ҳалқа баландлиги, мм, F -таъсир этувчи куч, сН.


2-расм. Ҳалқа тукли матонинг якка ҳалқаси мустаҳкамлигини аниқлаш учун тавсия этилган усул

Юқорида 2-расмда келтирилган таклиф этилган усулга кўра ҳалқа тукли мато намунаси жиҳознинг махсус қисқичларига ўрнатилади. Намунанинг марказида жойлашган ҳалқани илгак ёрдамида илиб, белгиланган ҳалқадан аввалги ва кейинги жойлашган ҳалқаларнинг учларини қайчи ёрдамида кесиб қўямиз. Шунда фақатгина якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини аниқлашга эришилади.

Шунингдек ҳалқа тукли сочиқлар кундалик ҳаётда доимий фойдаланиладиган буюм бўлиб, уларни ишқаланишга ва кўп марталик ювиш жараёнларига чидамлилиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса ҳалқа тукли матоларнинг функционал хусусиятларини белгилаб беради. Бундан ташқари ҳалқалар мустаҳкамлигининг заиф қаршилиги ҳалқа тукли сочиқларни ишлаб чиқаришда бир томонидаги ҳалқа тукларини кесиб веллюрлаш жараёнида ҳам ҳалқа тукларини чувалиб чиқиб кетиш ҳолатларини юзага келтиради. Бу эса ишлаб чиқаришда нуқсонли маҳсулотларни юзага келишига сабаб бўлади.

Юқоридаги келтириб ўтилган омиллар каторида ҳалқа тукли матонинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бу ҳалқа тукли матонинг ўрилиш туридир. Агар тук танда ипи ҳалқа ҳосил бўлиш жараёнида арқоқ ипини бир марта эмас балки икки марта айланиб ўтиб кейин ҳалқа ҳосил қилганида, ипларни тортиш жараёнидаги қаршилиги икки маротаба ортган бўларди. Чунки тук танда ипи тортилган пайтда аввал биринчи арқоқ ипидан сўнгра кейинги иккинчи арқоқ ипидан ишқаланиш натижасида ажралиб чиқади. Бу эса ҳалқа тукларининг мустаҳкамлигини ва ишқаланиш жараёнига

чидамлилигини ошишига сабаб бўлади. Ҳалқа тукли матони ҳалқа мустаҳкамлигига ўрилиш турининг таъсирини таҳлил этиб, қуйидаги янги ўрилиш турини (3-расм) тавсия этилди.



Бу ерда: 1-2 замин танда иплари, 3-4 тук танда иплари, 5-арқоқ ипи.

3-расм. Икки томонлама ҳалқа тукли матонинг арқоқ ипи кесими бўйича тасвири

Юқоридаги 3-расмда келтирилган ҳалқа тукли матонинг ўрилиш тасвирида бошқа ўрилиш турларидан фарқли равишда тук танда ипи пастдан юқорига кўтарилиб, иккита арқоқ ипини айланиб ўтиб яна ҳалқа ҳосил қилиши натижасида ҳалқанинг мустаҳкамлиги икки баробарга ошади. Аввалги ўрилиш турларида тук танда ипини икки ён томонидан иккита арқоқ ипи маҳкамлаб турган бўлса, таклиф этилган ўрилиш турида эса тук танда ипини икки ён томонидан тўртта арқоқ ипи маҳкамлаб туради.

Ўтказилган тадқиқотлар ва таҳлиллар асосида, тукли матонинг бир дона ҳалқасининг мато ўрилиш тизимидан ажратиб (тортиш) олувчи умумий куч қийматини шартли равишда 3 хил турдаги кучлар йиғиндисига тенг деган хулосага келиш мумкин, яъни:

$$F_{\Sigma} = 2(2F_1 + F_2 + F_3) \text{ сН.да} \quad (2.1)$$


Бу ерда: F_1 -тук танда ва арқоқ ипларининг маълум ўрилиш натижасида ўзаро ёпишганлигини енгиш кучи, сН. да

F_2 -тўқув дастгоҳида ўрнатилган тиғ тишлари орасида жойлашган тук ва замин танда ипларининг ўзаро босим таъсирида ҳосил бўладиган ёпишганликни енгиш кучи, сН. да

F_3 -тук танда ва арқоқ ипларининг маълум ўрилиш турида ўзаро қамраш таъсирида ёпишганликларини енгиш кучи, сН. да

Тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи 3 хил кучларнинг ҳар бирларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Мато юзасида ҳосил бўладиган тук шартли равишда ҳалқа ва иплар эса юмалоқ шаклда деб қабул қилиниб, тўқилган матонинг тузилишини кўндаланг кесими схемаси 4-расмда берилган.



4-расм. Тўқилган тукли матонинг тузилишини кўндаланг кесим чизмаси

Бу ерда: $d_u^{3.m}$ -замин танда ипининг диаметри, $d_u^{t.t}$ -тук танда ипининг диаметри, d_u^a -арқоқ ипининг диаметри, L -иккита арқоқ ипи марказлари орасидаги масофа, мм.да.

$\Delta_1 = \Delta_1' + \Delta_1''$ -замин танда ва арқоқ иплари орасидаги ўнг ва чап томондаги масофалар йиғиндиси,

$\Delta_2 = \Delta_2' + \Delta_2''$ -тук танда ва арқоқ иплари орасидаги ўнг ва чап томондаги масофалар йиғиндиси.

Тукли матолар ишлаб чиқарувчи корхоналарни тахтлаш кўрсаткичларига асосланиб арқоқ ва тук танда ипларининг диаметрларининг (арқоқ иплари марказларини бирлаштирилган чизиқда) йиғиндиси, иккита арқоқ иплари марказлари орасидаги масофа (A) дан кам бўлса, яъни Δ_2 нинг қиймати “мусбат” бўлса тукли матодаги тук танда ва арқоқ иплари орасида бўшлиқ бўлиб, улар бир-бирларига ёпишмайди ва ҳалқа мустаҳкамлигининг F_1 қисми “0” га тенг бўлишини кўриш мумкин.

Агар тўқиманинг арқоқ зичлиги катта бўлса (яъни $Z_a = 22$ ип/см) ёки арқоқ ва тук танда ипларининг чизиқли зичликлари паст бўлса ва уларнинг диаметрлари йиғиндиси ($d_{и}^{t.t} + d_{и}^a$) арқоқ иплари марказлари орасидаги масофа (A) дан кўп бўлса яъни Δ_2 нинг қиймати “манфий” бўлса тук танда ва арқоқ иплари бир-бирига сиқилган ҳолда бўлади ва уларни ажратиш учун F_1 миқдордаги куч ишлатиш лозим бўлади.

У кучни шартли равишда қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин;

$$F_1 = N_1 \cdot f \quad (2.2)$$

Бу ерда:

N_1 -тук танда ва арқоқ ипларининг ўзаро сиқилиши натижасида ҳосил бўладиган бир-бирларига қарама-қарши йўналган куч, сН. да

f -тўқима тизимидаги ипларнинг ўзаро ишқаланиш коэффиценти.


Ўз навбатида N_1 кучнинг қиймати тўқимадаги ипларнинг Юнг модули (ёки қайишқоқлик модули) ни Δ_2 миқдордаги сиқилиши натижасида ҳосил бўлган юзага кўпайтма орқали аниқлаш мумкин, яъни;

$$N_1 = E \cdot S \quad (2.3)$$

Бу ерда: E - Юнг модули, сН/мм²

S - сиқилиши натижасида ҳосил бўлган юза, мм²

Тукли матоларнинг ҳалқаларининг ажратиш мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллардан иккинчиси, яъни мато тизимидаги ипларнинг унинг эни бўйича жойлашиши боғлиқлигини аниқлаш учун мато тузилишини (проф. Н.Г.Новиков назарияси бўйича IX фазага мансуб бўлган) схемасидан фойдаланамиз ва бу схема 5-расмда берилган.



Бу ерда: 1,2-замин танда иплари; 3,4-тук танда иплари; 5-арқоқ иплари.

5-расм. Тукли матолар ҳосил бўлиш схемаси, тук ва замин танда иплари бўйича кесими

D-тўқув дастгоҳида ўрнатилган тиғ тишларининг эни, мм.

B-тиғ марказлари орасидаги масофа, мм.

C-тиғ тишлари орасидаги масофа, мм.

Δ_3 -тиғ тишлари орасидаги масофа ва тиғ орасидаги замин ва тук тандалар диаметрлари йиғиндиси орасидаги фарқ.

Ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи иккинчи омилда ҳам олдин кўрилганидек агар Δ_3 миқдори “мусбат” бўлса F_2 “0” га тенг, агар “манфий” бўлса ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи F_2 куч ҳосил бўлади.

Тукли мато ҳалқасининг ажратиш мустаҳкамлигига таъсир этувчи F_2 куч қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$F_2 = N_2 \cdot f \quad \text{сН. да} \quad (2.14)$$

Бу ерда: N_2 -тўқув дастгоҳидаги тиғларнинг 1 та тиши орасида жойлашган замин ва тук танда иплари орасидаги сиқилиш кучи, сН.да

f -танда иплари учун ишлатиладиган ипларнинг ўзаро ишқаланиш коэффициентини.


Ўз навбатида N_2 – сиқилиш кучини замин ва тук танда ипларининг Юнг модули (қайишқоқлик модули) ёрдамида аниқлаш мумкин, яъни

$$N_2 = E \cdot S_2 \quad \text{сН. да} \quad (2.15)$$

Бу ерда: E-замин ва тук танда ипларининг Юнг модули; $\frac{\text{сН}}{\text{мм}^2}$

S_2 -мато эни бўйича замин ва тук танда ипларининг арқоқ ипи периметри бўйича ўзаро ёпишган юзаларининг миқдори мм^2 .да.

Агар тук танда ва замин танда ипларини диаметрини ўзаро тенг деб олсак, унда S_2 миқдоридagi юзани аниқлаш учун қуйидаги 6-а-б расмлардан фойдаланамиз:



а) б)

Бу ерда: 1-тук танда; 4-замин танда; 3-арқоқ ипи; d-арқоқ ипи диаметри;

6-расм. а) Тук ва замин танда ипларининг кўндаланг кесим кўринишида ўзаро сиқилиш юзларининг тасвири. б) Тук ва замин танда ипларининг ўрилиш тасвирида ўзаро сиқилиш юзларининг тасвири

C-замин ва тук танда ипларининг ўзаро ёпишган юзларининг эни;

d_i^{zt} -замин танда ипи диаметри;

d_i^{tt} -тук танда ипи диаметр;


A-арқоқ иплари марказлари орасидаги масофа;

L-арқоқ ипи марказидан тук танда иплари марказигача бўлган масофа;


S_2 -матэ эни бўйича замин ва тук танда ипларининг арқоқ ипи периметри бўйича ўзаро ёпишган юзларининг миқдори;

R-иплар ёпишган юзанинг ташқи диаметри;

r-иплар ёпишган юзанинг ички диаметри.



а)



б)

Бу ерда: 1-қўзғалмас арқоқ ипи, 2-тук танда ипи;

T_1 -ҳалқанинг мустаҳкамлик кучи, сН.да

T_2 -тортишиш кучи, сН.да

α -тук танда ва арқоқ ипларининг ўзаро қамраш бурчаги, (радианда)

7-расм. а) Тук танда ипи ва арқоқ ипини ўзаро жойлашишининг схематик тасвири, б) Ҳалқа тукли матонинг тузилиш тасвири

Олинган маълумотларга асосланиб F_2 кучнинг миқдорини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$F_2 = E \cdot \frac{\pi}{2} (R^2 - r^2) \cdot f \text{ сН. да} \quad (2.21)$$

Тукли мато ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи F_3 кучни амалиёт ва назарияда кенг тарқалган Эйлер тенгламаси орқали аниқлаймиз.

Қўйилган вазифани ечиш учун тукли матоларда тук танда ипи ва арқоқ ипини ўзаро жойлашишларини қуйидаги схематик 7-а, б-расмларда кўрсатилган.

Эйлер тенгламаси бўйича:

$$T_1 = T_2 \cdot e^{f\alpha} \quad (2.22)$$

Бу ерда: T_1 -кучни ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи учинчи омил яъни F_3 деб қабул қилишимиз мумкин, яъни:

$$F_3 = T_1$$

T_2 -тортилиш кучи ва у кучни 1сН.га тенг деб қабул қилишимиз мумкин, ва

$$F_3 = T_1 = e^{f\alpha} \quad (2.23)$$

Бу ерда: e -натурал логарифмнинг асоси, $e=2,718$;

f - ипларнинг бир-бирларига ишқаланиш коэффициентини, (ҳар хил турдаги иплар ва уларнинг 1 м.даги эшимлар сонига қараб ҳар хил бўлади);

α -тукли мато тизимидаги тук танда ва арқоқ иплари ўзаро қамраш бурчаги радиан ўлчов бирлигида.

Тукли матонинг бир дона ҳалқасининг мато ўрилиш тизимидан ажратиб (тортиш) олувчи умумий куч қийматини аниқлаймиз.

Амалдаги ўрилиш учун:

$$F_{\Sigma} = 2(2 \cdot F_1 + F_2 + F_3)$$

Янги ўрилиш учун эса:

$$F_{\Sigma} = 2(3F_1 + F_2 + 2F_3)$$

Диссертациянинг «**Ҳалқа тукли тўқималарнинг ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича амалий тадқиқотлар таҳлили**» номли 3-бобида ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар, ҳалқа тукли матоларнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хоссаларини таҳлили келтирилган.

Ҳалқа тукли матоларнинг яқка ҳалқаси мустаҳкамлиги ва физик-механик хоссаларини ўзгариши бўйича ўтказилган тажрибалар таҳлил қилинди.

Олиб борилган тажриба ишлари Наманган муҳандислик-технология институти қошидаги “Тўқимачилик” синов лабораториясида стандарт усулда аниқланди.

Вилоятимизда фаолият юритаётган “Aisha Home Textile”, “Uztex Group”, “Barkasteks Group”, ва “ART SOFT HOLDING” MChJ корхоналарида 100% пахта толали ипдан ишлаб чиқарилаётган ҳалқа тукли матолардан намуналар олиб, уларнинг физик-механик хоссалари ўрганилди ҳамда таклиф этилган ўрилиш тури асосида тўқилган ҳалқа тукли матонинг хоссалари билан солиштирилди.


Турли тўқув корхоналаридан олинган ҳалқа тукли матоларнинг кўрсаткичлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Синов намуналарининг тахтлаш кўрсаткичлари

№	Намуна номи	Ипларнинг чизиқли зичлиги Nm			Тўқима зичлиги, ип/10мм			Тўқимани хаво ўтказувчанлиги(см ³ /см ² /сек)	Матонинг қалинлиги (мм)	Ҳалқа мустаҳкамлиги (сН)
		T _T	З _T	A _и	замин танда бўйича	туқ танда бўйича	арқоқ бўйича			
1	1-намуна (AISHA)	34/2	36	28	11	11	17	16,693	4,425	42,8
2	2-намуна (UZTEX)	40/2	34/2	40/2	11,5	11,5	18	7,633	4	40,32
3	3-намуна (BARKAS-TEKS)	36	34/2	34	11	11	18	19,291	3,556	30,6
4	4-намуна (ART SOFT TEX)	15	27/2	27	11	11	18	15,52	3,993	44
5	5-намуна (Таклиф этилаётган)	40/2	27/2	27	11,5	11,5	19,5	19.42	3.862	51

Юқоридаги келтирилган ҳалқа туқли мато намуналарининг ҳалқа мустаҳкамлигини янги усул асосида ўлчанган қийматлар 8-расмда диаграмма кўринишида келтирилган.



8-расм. Ҳалқа туқли мато намуналарининг ҳалқа мустаҳкамлиги

Юқоридаги диаграммада (8-расм) ҳалқа туқли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича ўтказилган синов натижалари тасвирланган. Унга энг юқори кўрсаткини 5-намуна, яъни тавсия этилган ўрилиш тури асосида тўқилган ҳалқа туқли мато намунасида қайд этилган. Ипларнинг чизиқли зичликлари ва тўқиманинг зичликлари 4-намуна билан бир хил бўлишига қарамай 5-намунада ҳалқанинг мустаҳкамлиги юқори. Бунинг сабаби ўрилиш туридаги туқ танда иплари 2 та арқоқни айланиб ўтиши ҳисобига эканлиги билан изоҳланади.

Намуналарнинг ҳаво ўтказувчанлиги ГОСТ 12088-77 асосида тажрибалар ўтказилди. Олинган натижалар диаграмма кўринишида 9-расмда келтирилган.



9-расм. Тукли мато намуналарида ўтказилган ҳаво ўтказувчанлиги натижалари

Юқоридаги диаграммадан (9-расм) кўришиб турибдики, барча тўқима намуналари ичида энг паст ҳаво ўтказувчанлик бу 2-намунанинг кўрсаткичларидир. Бунинг сабаби 2-намуна ишлаб чиқаришда тук, замин танда ва арқоқ иплари учун 2 қаватли пишитилган иплардан фойдаланилган, бунинг натижасида матонинг юза зичлиги ошиб, ҳаво ўтказувчанлиги пасайиб кетишига олиб келади. Энг юқори ҳаво ўтказувчанлик эса таклиф этилаётган ўрилиш асосида тўқилган 5-намуна эканлигини кўриш мумкин. 5-намунанинг ҳаво ўтказувчанлиги юқоригилигига сабаб, тавсия этилган ўрилишда тук танда ипларининг амалдаги ҳалқа тукли матоларга нисбатан ҳалқа ипларининг камайгани билан изоҳланади. Ҳалқа тукли матоларда матонинг юза зичлиги юқори бўлса, матонинг сув ютиш хусусияти пасайишига олиб келади.

Намуналарнинг ишқаланишга чидамлилигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари (12кПа/цикл)




10-расм. Тўқимани ишқаланишга чидамлилиги бўйича ўтказилган синов натижалари


Синов намуналарининг ишқаланишга чидамлилиқ хоссасини ГОСТ 12088-77 асосида синов тажрибалари ўтказилди ва олинган натижалар (10-расм) қиёсий таққосланди.

Диаграммадан кўриниб (10-расм) турибдики, мато намуналаридаги энг юқори ишқаланишга чидамлилиқ 2-5- ва 1-намуналарда қайд этилган. Бунинг сабаби, 1 ва 2 намуналарнинг тук танда иплари учун икки қаватли пишитилган иплардан фойдаланилган. 5-намунада эса ўрилиш турини ўзгартириш орқали ҳалқаси мустаҳкам бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, ҳалқа тукли матоларда ишқаланиш вақтида аввал тук иплари шикастланишни бошлайди. Худди шундай 5-матонамунасида ҳалқа туклари мустаҳкам бўлганлиги учун юқори қийматларни қайд этгани билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, ҳалқа тукли матоларнинг узиш кучи ва узилишдаги узайиши бўйича ГОСТ 11027-2014 [49] асосида тажрибалар ўтказилди ва натижалар куйидаги гистограммалар кўринишида (11-12 расмлар) келтирилган.



11-расм. Ҳалқа тукли мато намуналарининг танда ва арқоқ йўналиши бўйича узиш кучини аниқлаш



12-расм. Ҳалқа тукли мато намуналарининг танда ва арқоқ йўналиши бўйича узилишдаги узайиши

Юқоридаги гистограммадан (11-12 расмлар) шуни хулоса қилиш мумкинки, 1-2-намуналарнинг узиш кучи энг юқори кўрсаткичли қийматга

эга, чунки ушбу намуналарнинг тук, замин танда ва арқоқ иплари учун 2 қаватли пишитилган иплардан фойдаланилган. 3 ва 5-намуналарнинг қийматлари эса жадвалда энг паст кўрсаткичга эга. Чунки, 3-намунанинг тук танда ипи учун бир қаватли ипдан фойдаланилган бўлса, 5-намунада эса арқоқ бўйича зичликни 16 та эканлиги қолган намуналарда арқоқ бўйича зичликни 18 та эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўтказилган тадқиқот ишлари асосида тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида тук танда ипи учун чизиқли зичлиги Nm 15/1 га тенг бўлган ипдан фойдаланиб 4 -намуна ва амалдаги ўрилиш тури ўрнига, янги ўрилишда 5-намунадаги матонинг ҳалқа мустаҳкамлик қийматлари аниқланган.

Ҳалқа мустаҳкамлигининг умумий қийматининг биринчи омилини (F_1) аниқлаш учун 2.2; 2.3; 2.4; 2.5; 2.6 формулалардан фойдаланиб қийматини аниқлаймиз.

$$F_1 = E \cdot S \cdot f = 980 \cdot 0,00863 \cdot 0,28 = 2,37 \text{ сН.}$$

Ҳалқа мустаҳкамлигининг иккинчи омилини F_2 ни аниқлашда 2.14÷2.21 формулалардан фойдаланиб қийматини аниқлаймиз.

$$F_2 = E \cdot S \cdot f = 980 \cdot 0,0274 \cdot 0,28 = 7,51 \text{ сН.га тенг.}$$

Ҳалқа мустаҳкамлигининг учинчи омили F_3 ни 1 см.даги арқоқ иплари сони 18,3 га ва ҳалқа баландлиги 6 мм.га тенг бўлганда F_3 нинг қийматини таклиф этилган компьютер дастури ёрдамида олинган миқдорни оламиз, яъни: $F_3=6,76 \text{ сН}$

Ҳалқа мустаҳкамлигининг умумий қиймати.

$$F_{\Sigma} = 2(2F_1 + F_2 + F_3) = 2(2 \cdot 2,37 + 7,51 + 6,76) = 2 \cdot 19,01 = 38,02 \text{ сН}$$

“Art Soft Holding” компаниясининг “Чаманзор” тўқувчилик корхонасида “SULZER RUTI” ST 6100 русумли тўқув дастгоҳида таклиф этилган янги ҳалқа тукли ўрилишда тўқилган мато (5-намуна) ҳалқасининг мустаҳкамлиги аниқланди:

Тук мустаҳкамлигининг биринчи омилини F_1 қисмини аниқлаймиз:

$$F_1 = N_1 \cdot f = 3,991 \cdot 0,28 = 1,117 \text{ сН.га тенг.}$$

Тук мустаҳкамлигининг иккинчи омилини F_2 қисмини аниқлаймиз:

$$F_2 = 28,9 \cdot 0,28 = 8,1 \text{ сН}$$

Тукли матонинг тук баландлиги 5 мм. ва 1 см.да арқоқ иплари сони 19,5 бўлганда учинчи омилини F_3 қиймати компьютер дастурига асосан 6,614 сН.ни ташкил этишини аниқланди.

Тукли матоларнинг янги таклиф этилган ўрилишда тўқилганда ҳалқа мустаҳкамлиги:

$$F_{\Sigma} = 2(3F_1 + F_2 + 2F_3)$$

формуласи асосида аниқланади, яъни:

$$F_{\Sigma} = 2(3 \cdot 1,117 + 8,1 + 2 \cdot 6,614) = 2 \cdot 24,679 = 49,358 \text{ сН.}$$

Тукли матоларда арқоқ ипи чизиқли зичлигини ўзгартиш орқали ҳалқа мустаҳкамлигини оптималлаштириш

Назарий-тажрибавий ИТИда ҳам назарий, ҳам тажрибавий натижалар эътиборга олинб, ҳозирги вақтда кўпроқ назарий-тажрибавий тадқиқотлар туридан кўпроқ фойдаланилмоқда.

Таъсир этувчи омиллар сифатида кирувчи омиллар x_1 – арқоқ ипининг чизиқли зичлиги (Nm), x_2 – тукли матонинг ҳалқа баландлиги (мм)

кўрсаткичлари олинган. Тадқиқ этилаётган омилларнинг ўзгариш сатҳлари ва оралиқларини танлаш 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


Тадқиқ этилаётган омиллар ўзгариш сатҳлари ва оралиқларини танлаш

Омиллар номи ва белгиланиши		Ўзгариш сатҳлари					Ўзгариш оралиғи
		-1,414	-1	0	1	1,414	
Арқоқ ипининг чизиқли зичлиги, Nm	x_1	15	17	21	25	27	4
Тукли матонинг ҳалқа баландлиги, мм	x_2	5	6	8	10	11	2

Демак, ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлиги билан арқоқ ипининг чизиқли зичлиги ўртасида қуйидаги боғланиш мавжуд;

$$Y_R = 42.128 + 1.86x_1 + 1.53x_2 - 2.234x_2^2$$

Демак, олинган регрессион модел адекват ҳисобланади ва ундан келгуси тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.



13-расм. Арқоқ ипининг чизиқли зичлиги ва тукли матода ҳалқа баландлигининг тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсирини боғлиқлик графиги

Арқоқ ипининг чизиқли зичлиги ва тукли матода ҳалқа баландлигининг тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигига таъсирининг боғлиқлик графиги 13-расмда келтирилган.

Юқоридаги график (13-расм) дан кўришиб турибдики, кирувчи биринчи (x_1) ва иккинчи (x_2) омилларининг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва биринчи омилнинг ўртача қийматидан фойдаланиб (Y_1) ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини ўзгариши бўйича қийматлар тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини x_1 -арқоқ ипининг чизиқли зичлиги Nm 15 ÷ 27 оралиқларда ва x_2 – матода ҳалқа баландлиги, (мм) 5 ÷ 11 мм оралиқдаги қийматларида (Y_1) ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлиги бўйича график таъсвирланган. Бунда арқоқ ипининг чизиқли зичлиги 0,6 ÷ 1 гача ва матода ҳалқанинг баландлиги 0,8 ÷ 1

гача бўлган ораликларда ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлиги энг юқори қийматга эга эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Тавсия этилган ўрилиш асосида тўқилган ҳалқа тукли матоларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш» ушбу иқтисодий қисмида ҳалқа тукли матоларни ишлаб чиқаришда ўрилиш турини ўзгартириш орқали ҳалқа тукли матолар юзасидаги халқалар сонини 40 фоизга камайтирилишининг техник-иқтисодий асослари келтирилган.

Иқтисодий статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш давомида ҳалқа тукли матоларни ишлаб чиқариш бўйича таҳлиллар натижаси, бугунги кунда ҳалқа тукли матоларга истеъмолчилар орасида талаб ўта юқорилигини кўрсатади. Ҳалқа тукли матоларни ишлаб чиқаришнинг технологик занжири матонинг техник ҳисоб-китобига мувофиқ танланган.

Иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда “ART Soft Tex” МЧЖ корхонасининг “Чаманзор” филиалида ишлаб чиқарилаётган ҳалқа тукли сочиқ маҳсулотлари учун юқорида тавсия этилган [3-расм] ўрилиш турини амалиётга жорий этишнинг натижаларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижасида корхонада ва тавсия этилган ўрилиш асосида олинган ҳалқа тукли матолар бўйича таққослама маълумотлар 4-жадвалда кўрсатилган.

Корхонада 30 х 30 см ҳалқа тукли 1 та салфетка сочиқлари учун сарфланадиган тук, замин танда ва арқоқ ипларининг 2022 йил бўйича нархи ўртача 1235 сўм/гр ташкил этади.

4-жадвал

Тадқиқот натижасида корхонада ва тавсия этилган ўрилиш асосида олинган ҳалқа тукли матолар бўйича таққослама маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчами 30х30 см бўлган “салфетка” ҳалқа тукли сочиғи			
		Ўлчов бирлиги	1 дона сочиқ учун	Ўлчов бирлиги	50000.0 дона учун
1	Хомашё сарфи, тахтлаш параметрига асосан	гр	31.5	кг	1575.0
2	Корхонада амалдаги кўрсаткич	гр	39.0	кг	1950.0
3	Таклиф этилган ўрилишдаги мато кўрсаткичлари	гр	31.5	кг	1575.0
4	хомашё фарки	гр	7.5	кг	375.0
5	корхонадаги сарфланган хомашё қиймати (шартли равишда 1 кг ипнинг қиймати 39200 сўм ҳисобида)	сўм	1529.0	сўм	76450000.0
6	Таклиф этилган ўрилиш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги хомашёнинг қиймати	сўм	1235.0	сўм	61750000.0
7	Фойда миқдори	сўм	294.0	сўм	14700000.0

Корхонада амалда ишлаб чиқарилаётган 1 та салфетка сочиғи учун сарфланадиган ип (тук, замин танда ва арқоқ иплари) ҳаражати 1 529 сўмни ташкил қилади ва бир партидаги 50 минг дона сочиқлар учун эса

76 450 минг сўмни ташкил қилади. Таклиф этилаётган ўрилиш тури асосида ишлаб чиқарилган 1 та салфетка сочиғининг ип ҳаражати 1 235 сўмни ташкил этади ва бу бир партиядоги 50 минг дона сочиқлар учун эса 61 750 минг сўм ип ҳаражатлари сарфланмоқда.

Демак, битта сочиқдан олинадиган фойда.

$$\Phi_{\text{ф}} = \Phi_1 - \Phi_2 = 1529 - 1235 = 294 \text{ сўм}$$

$\Phi_{\text{ф}}$ - фойда, сўмда.

Φ_1 - амалдаги бир партия сочиқ ҳаражати, сўмда;

Φ_2 - таклиф этилаётган ўрилиш тури асосида ишлаб чиқарилган бир партия сочиқ ҳаражати, сўмда;

Шуниндек битта партиядан олинадиган фойда:

$$T_{\text{п}} = (C_{\text{а}} - C_{\text{т}}) \times 1_{\text{п}} = (1529 - 1235) \times 50\,000 = 14\,700\,000 \text{ сўм}$$

$C_{\text{а}}$ - амалдаги мато учун сарфланган ип ҳаражатлари, сўмда;

$C_{\text{т}}$ - таклиф этилган мато учун сарфланган ип ҳаражатлари, сўмда;

$1_{\text{п}}$ - битта партиядоги сочиқлар сони, донада.

Юқоридагилардан келиб чиқиб корхонада бир партиядоги 50 минг дона сочиқ ишлаб чиқаришда 14 700 минг сўм соф фойдага эришилмоқда.

ХУЛОСА

1. Адабиётлар таҳлилидан кўринадикки, ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини таҳлил этишга қаратилган тадқиқотлар жуда кам ўтказилган. Тадқиқотларнинг асосий қисмини тукли матоларнинг намликни ютиш жараёнида ҳалқа тукларининг баландлиги ва уларнинг зичлиги, шакли, матода арқоқ бўйича зичликнинг аҳамияти каби омилларнинг таъсирини таҳлилига бағишланган.

2. Ҳалқа тукли матоларни тўқишда мавжуд ўрилиш турини ўзгартириш ҳисобига шакл сақлаш хусусияти ва ҳалқа мустаҳкамлиги юқори бўлган ҳалқа тукли мато олинди.

3. Тукли сочиқларнинг якка ҳалқалари мустаҳкамлигини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган халқаро стандартларни ўрганилди ва улар асосида якка ҳалқанинг мустаҳкамлигини аниқлашнинг такомиллашган усули тавсия этилди.

4. Таклиф этилган ўрилиш тури асосида ишлаб чиқарилган ҳалқа тукли матоларда ҳалқанинг мустаҳкамлиги 25 фоизгача оширишга эришилди ва стандартдаги белгиланган қийматга яқинлигини аниқланди.

5. Ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини аниқлашнинг назарий ҳисоблаш формулалари тавсия этилди ва шу асосда ҳалқа мустаҳкамлигини ошириш учун тахтлаш параметрлари башоратлаштирилди.

6. Ҳалқа тукли матодаги бир дона ҳалқанинг мато ўрилиш тизимидан ажратиб (тортиш) олувчи умумий куч қийматини шартли равишда 3 хил турдаги кучлар йиғиндисига тенг деб олиниб, ҳар бир кучларни аниқлаш учун формулалар тавсия этилди.

7. Тукли матолар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта толасидан йиғирилган ипларнинг қайишқоқлигини Юнг модули ёрдамида аниқланди.

8. Ҳалқа тукли матоларнинг ҳалқа мустаҳкамлигини ошириш бўйича икки омилли математик моделлаштириш орқали арқоқ ипи чизиқли зичлигининг мақбул варианты аниқланди.

9. Таклиф этилган ўрилиш тури асосида олинган ҳалқа тукли матонинг физик-механик хоссалари аниқланди.

10. Корхонада ишлаб чиқарилган бир партиядоги 50 минг дона сочиқ тўқишда 14 700000 минг сўм соф фойдага эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕННЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МАМАДАЛИЕВА ДИЛДОРА АБДУЛМАЛИКОВНА

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРОЧНОСТИ
ПЕТЛИ В ПЕТЕЛЬНО-ВОРСОВЫХ ТКАНЯХ**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.2.PhD/Т1981.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Алиева Дилбар Ганиевна
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Холиков Курбонали Мадаминович
доктор технических наук, профессор

Дониёрова Матлуба Адашбаевна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт
натуральных волокон Узбекистана**

Защита диссертации состоится «18» 02 2023 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу 160115, г. Наманган ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 3-корпус, 2-этаж, 313-аудитория, Тел.: (69)225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz,

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована за № 215). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская- 7. Тел.: (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «4» 02 2023 года.
(реестр протокола рассылки № 102 от «4» 02 2023 года).

Р.М. Мурадов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.Т. Бобожанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

К.М. Холиков

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. На мировом рынке текстиля с каждым днем растет спрос на ткани, содержащие натуральные волокна, особенно полотенца, сотканые из хлопчатобумажной пряжи. В мировом масштабе производится более 108,3 млн квадратных метров различных текстильных тканей, что составляет 4% всего рынка текстиля.

В мировом опыте проводятся научные исследования, направленные на новые виды петельно-ворсовых тканей, расширение масштабов переработки местного природного сырья и его использования, а также показателей качества петельно-ворсовых тканей, математическое моделирование физико-механических параметров махровых тканей, гидрофильность (водопоглощение), которая является основной характеристикой петельно-ворсовых тканей, и изменение его размеров. В этом направлении, помимо прочего, приоритетными считаются исследования по улучшению потребительских свойств ткани за счет повышения прочности петли в петельно-ворсовых тканях, создание новых видов переплетения петельно-ворсовых тканей и исследования показателей качества.

На сегодняшний день текстильная промышленность определена как динамично развивающаяся отрасль экономики республики. Все это важно для обеспечения устойчивости нашей национальной экономики и создания новых рабочих мест для трудоспособного населения.

В нашей стране осуществляются комплексные меры по выпуску новой номенклатуры петельно-ворсовых тканей, расширению объемов переработки и использования местного природного сырья, а также повышению экспортного потенциала производителей продукции.

В новой стратегии развития Узбекистана на период 2022-2026 годы, в том числе «...глубокая переработка пряжи, налаживание полной переработки пряжи к 2026 году, формирование перечня проектов, направленных на восполнение существующих пробелов в производственной цепочки, развития национальных брендов готовой продукции и увеличения ее экспорта, в том числе экспорта готовой продукции национальных и зарубежных брендов до 5 млрд долларов в 2026 году...» дали определить новые задачи.

При выполнении вышеперечисленных важных задач важно улучшение потребительских свойств ткани, в том числе за счет повышения прочности петли в петельно-ворсовых тканях, предложены им новых видов петельно-ворсовых тканей и исследования их показателей качества.

Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформирования текстильно-швейной промышленности и расширению ее экспортного потенциала»,

Постановление № УП-4453 от 16 сентября 2019 г. «О мерах по содействию дальнейшему развитию легкой промышленности и производства готовой продукции» и «Неотменяемые меры поддержки текстильной и швейно-трикотажной промышленности» от 5 мая 2020 г. Данная диссертация

в определенной мере решает частично задачи, указанных в Постановлении № ПП-5989 и других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

